

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИДА САРОЙ МАНСАБЛАРИ

Жамшидбек Зокиржон ўғли Собиров
АнДУ Тарих факультети 3-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Заҳириддин Мұхаммад Бобур даврида таъсис этилган мансаблар, уларнинг қатый белгилаб қўйилган вазифалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Шуъбадор, девонбеги, фавждор, садр, амин, битикчи, хазинадор (потдор), воқеанавис.

КИРИШ

Ҳар бир давлатда бўлганлиги каби Бобурийлар давлатида ҳам Бобур Мирзо даврида давлат мансаблари ташкил этилган. Уларнинг ҳар бирининг қилинадиган ишлари қатый белгилаб қўйилган. Уларнинг номларига, шуғулланган вазифаларига тўхталадиган бўлсак:

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шуъбадор. Салтанатга қарашли вилоят хокими «Соҳиби шуъба», «Шуъбадор» ёхуд «Нозим» деб аталган. Унинг фаолиятига девон, баҳиш, фавждор, кутвол, қози, садр, амин, битикчи, потдор ёки хазинадор, воқеанавис, қонунгўй, натвори каби мансабдорлар муовинлик қилар эди [1].

Вилоятлар саркор ёки парганаларга бўлинган. Вилоятнинг барча маъмурий идоралари унинг бош шаххрида ташкил этилган. Бобурийлар салтанатида асосан шаҳарларда яшовчи аҳоли аҳамият касб этар эдида, қишлоқ хаёти эса уларнинг эътиборидан четда қолар, қишлоқлар эса сургунбоп жой ҳисобланарди. Шуъбадор подшоҳнинг вилоятлардаги вакили бўлиб, у ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий масалалар бўйича мутасадди саналарди.

Шуъбадор икки-уч йилда алмаштириб турилган. Чунки улар бу лавозимда узок муддат ишлаб қолгудек бўлса, ўз мансабини суиистеъмол қилиши ёки мустақил давлат бўлиб олиши учун салтанатга қарши ҳаракат бошлиши мумкин эди. Шунга қарамай, ҳокимлар шафқатсиз ва очкўз бўлар эди.

Девонбеги. Девонбеги вилоятда ҳокимдан (шуъбадор)дан кейинги лавозимда турадиган мансабдор. Шунинг учун бўлса керак, шуъбадор уларга рақиб назари

билин қарап, чунки девонбеги билан шульбадор ўз фаолиятида бир-бирининг фаолиятини назорат қилиб турар эди. Вилоят девонбегиси мансабига номзодлар «Девони ашраф», яни салтанат девони томонидан танланган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мавжуд низомга кўра девонбеги вилоят хазинасини назорат остида сақлар, унинг руҳсати ва розилигисиз хазинадаи маблағ чиқарилмас эди. Шунингдек, вилоят қишлоқлари хаёти ва у ердаги ишлаб чиқаришнинг бир маромда кетишилгини таъминлаш, салтанат хазинасидан ўринсиз маблағ сарфланишига йўл қўймаслиқ, хазинага тўланган тўловлар учун фавждорларнинг вакилларига «қабз ул-восил» (читпа) бериш ва солиқ ундирувчи мансабдорлар (қишлоқ амини)нинг таъқиқланган ер солиги (абвоб) ундиришига йўл қўймасликдан иборат эди [2].

Фавждор. Фавждорлар шульбадорларга ёрдам бериши учун, яни вилоятни бошқариш ишида муҳим тармоқ бўлмиш вилоят қўшинини ташкил этиш ва назорат қилиш учун тайинланар эдилар. Бу лавозимга шульбадор номзод танлар ва тасдиқлар эди. Фавждор ўз қўл остидаги навкарлари билан вилоят ҳудудида қонунчиликни таъминлаш ва исёнчиларни жазолаш ишларида шульбадорга ва солиқ йиғиш ишларида «омил»ларга ёрдам бериш учун масъул бўлган [3].

Ж. Саркорнинг ёзишича, фавждор «.... вилоятдаги қўшин турларига қўмондонлик қиласар ҳамда исёнчи, талончи ва бошка жиноятчиларни тергов қилиш, шунингдек, солиқ, йиғувчилар, қози ва муҳтасибларнинг қонуний талабига бўйсунишдан бўйин товлаганларни тартибга солиб турар» эди.

Садр. Вилоят садри лавозимида номзодлар марказий ҳукумат томонидан тайинланиб, унинг вазифаси суюргол ёҳуд соликдан озод қилинган ерлардан олинадиган даромадлар, диний эҳсон ва ҳайрияларни назорат қилишдан иборат эди. У фуқаро ўртасидаги маърифат ва маънавият ишлари учун масъул шахс бўлиб, ўзининг маҳсус идорасига эга ва вилоят девонидан мустақил тарзда иш олиб бораради.

Амин. Амин (бази манбаларда «Омил» деб берилган) солиқ йиғиш ишлари билан шуғулланувчи киши бўлиб, солиқ тўлашдан бош тортганлар ва дехқончилик қилинадиган ерларни қаровсиз қолдирган ер эгалари унинг назорати остида эди [4].

Шунингдек, дехқончилик қилинадиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, ўзлаштирилмаган ерларни ўзлаштириб, ундан ҳосил олишни йўлга қўйиш, ер ўлчови (паймойиш)нинг тўғри олиб борилиши, солиқ миқдоринииг тўғри

белгиланишини, каркун, муқаддам ва патворис деб агалган шу соҳа мутахассисларининг ўз ишини ва хужжатлаштириш, тафтиш ишларини назорат қилиш ҳамда вилоят бўйлаб тез-тез саёҳатга чиқиб, туман ва корхоналардаги аҳолининг турмуш шароити ҳакида марказий ҳокимиятга ҳар ойда ҳабарнома тайёрлаб бериш ҳам унинг зиммасида эди.

Битикчи. Битикчи солиқ йиғувчи аминларнинг фаолиятини кузатиб борувчи шахс, у йил давомида тўпланадиган солиқлар миқдорини режалаштирап ва бу хақда марказий ҳокимиятга ахборот тайёрларди. Конуннинг фаолиятини ҳам назорат қиласи эди. Бу лавозим эгаси ҳисоб-китоб ишларида ўз ишининг устаси бўлмоғи ва маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, удумларини яхши биладиган киши бўлиши лозим эди [5].

Хазинадор (потдор). Бу лавозим эгаси ишлаб чиқарувчилар ва ҳунармандлардан ундирилган солиқ пулини қабул қилиш, уни сақлаш иши учун масъулдир. Тўланган маблағ учун тўловчига чипта ёзиб бериш, уларнинг ҳисоб-китобини жамлаш ҳам унинг вазифаси ҳисобланган. Тўлов ишлари девонбегининг рўйхати билангина амалга оширилар эди.

Воқеанавис. Воқеанавис вилоятда бўлиб ўтаёттан воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний тарзда рўйхатга олиб, улар ҳакида марказий хукуматни хабардор қилиб туриши лозим. Ҳинд тарихчиси В. Д. Моҳажаннинг «Ҳиндистонда мўғуллар ҳокимияти» деб аталган китобида келтирилган ушбу маслаҳат воқеанависларнинг вазифаларини аниқлаб олишда жуда қўл келади. Бобур ҳукмронлик қилган даврда шу ва бошқа мансаблар жамият ҳётида мавжуд эди ва давлат шу мансаблар орқали бошқариларди.

REFERENCES

1. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. – Тошкент: Фан, 1992.
2. Сатимов F. Бобурийзодалар. – Тошкент: Маънавият, 2003.
3. Сатимов F. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида Бобурийлар даври. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008.
4. Файзиев Т. Бобур ва унинг авлодлари. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
5. Хасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.